2011 ЙИЛ 15 АВГУСТ, ДУШАНБА



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 159 (11.970)

Баҳоси эркин нархда




# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!





## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




**Айни кунларда она-Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, хусусан, шаҳримизнинг тобора чирой очиб, илдамлар қаторида турган Сергели туманида ҳам — Истиқлол қуёши балқиган куннинг 20 йиллик тўйини муносиб кутиб олишга катта тайёргарлик ишлари кетмоқда. Кенг ва обод кўчалар, пурвиқор, салобатли бинолар, муҳташам кўприклар, жаҳон андозалари даражасида қад ростлаган таълим-тарбия муассасалари, гулу чечаклар, кўкка бўй чўзган дов-дарахтлар киши кўнглида қувонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.**

## СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Бугун Сергели туманига келган кишининг бўлаётган катта ўзгаришлардан ҳайратланиши табиий. Ҳар соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ва янгиланишлар гўё мустақиллик шарофатини кўрсатиб тургандек. Масалан, иқтисодиёт соҳасини олиб қарайлик.

Бугун бу соҳадаги таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилиши натижасида туман иқтисодиётида барқарор юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,6 фоизга, халқ истеъмол моларини ишлаб чиқариш 117,2 фоизга, асосий капиталга инвестициялар 185,4 фоизга, пудрат ишлари 142,9 фоизга, чакана товар айланмаси 115,8 фоизга, жами хизматлар 117,5 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 109,7 фоизга, шу жумладан маиший хизмат 118,1 фоизга бажарилди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари экспорти 79,0 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Эътиборли томони шундаки, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида туман иқтисодиётининг барча соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушининг ортиб борганлиги кишини қувонтиради. Хусусан, уларнинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 66,7 фоизни, қурилиш ишларида 85,9 фоизни, савдо айланмасида 55,1 фоизни, пуллик хизматда 41,9 фоизни, экспортда 90,0 фоизни, импортда 91,9 фоизни, юк ташишда 88,3 фоизни, йўловчи ташишда 22,8 фоизни ташкил этганлиги ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Туманда 2011 йил биринчи ярим йиллиги давомида молиявий барқарорликни таъминлаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастурини сўзсиз бажариш, иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга доир инвестиция лойиҳалари бўйича қатор ишлар амалга оширилган: яъни ҳудудий инвестиция Дастури асосида 2011 йилга жами умумий қиймати 23672 минг АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳалар киритилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 2011 йил биринчи ярим йиллиги давомида 21638,0 минг АҚШ доллари киритилган.

*(Давоми 3-бетда)*

**(Сергели туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз)**

**Кувайт – Ўзбекистоннинг араб дунёсидаги муҳим иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири Кувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Халаф Бу ДХХАИР билан суҳбатлашди.**

## ХАЛАФ БУ ДХХАИР: МАМЛАКАТИНГИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**– Элчи жаноблари, суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар бераётган самаралар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.**

– Ўзбекистонда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларни кузатган ҳар бир инсон юртингиз изчиллик билан тараққий этиб бораётганига гувоҳ бўлади. Айниқса, мамлакатингиз иқтисодиёти жадал ривожланаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида бўлганман. Жойларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани, турли соҳалар инфратузилмаси жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлдим. Хусусан, шаҳар ва қишлоқлардаги электр ва сув таъминоти, йўллар қурилиши каби халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи тармоқлар замон талаблари даражасида тараққий этгани эътиборга молик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатингизнинг иқтисодий соҳадаги муваффақиятларига назар солсак, саноат, нефть ва газ соҳалари, қишлоқ хўжалиги жадал тараққий этмоқда, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш корхоналарининг миллий ва жаҳон бозорларига кириб бориши каби йўналишларда катта ютуқларга эришилмоқда.

Ўзбекистон энг ривожланган инфратузилмага эга давлатлардан биридир. Мамлакатингизда шаҳарлар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётир. Хусусан, Тошкентда тарихий обидаларни, маданий ёдгорликларни таъмирлаш, замонавий турар жой биноларини барпо этиш каби кенг кўламли ишларга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатингизда турар жойлар қурилиши сезиларли даражада ортиб, уларнинг сифати янада яхшиланмоқда. Бу шаҳар ва қишлоқларингизнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган қиёфасида яққол кўзга ташланади.

**– Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақида фикрингиз?**

– Ўзбекистон билан Кувайт Давлати ўртасидаги алоқалар савдо, иқтисодиёт, гуманитар каби кўплаб соҳаларда изчил тараққий этмоқда. Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришнинг имкониятлари катта. Бу имкониятлар тўлароқ ишга солинса, икки томонлама иқтисодий муносабатларни янада юқори поғоналарга олиб чиқиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Кувайт Давлати Амири ўртасидаги дўстона алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

**– Яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида кувайтлик санъат намояндаларининг иштироки хусусида нима дея оласиз?**

– Кувайт Ўзбекистон билан маданий соҳадаги алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор билан қарайди. Кувайтлик санъаткорларнинг Самарқандда анъанавий тарзда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ривожининг амалдаги ўзига хос ифодасидир.

Бу йил ҳам санъаткорларимизнинг ушбу фестивалда фаол иштирок этиши режалаштирилган ва бундан ғоят мамнунмиз. Биз ҳам Ўзбекистон санъат усталарининг Кувайтда ўтказиладиган маданий тадбирларда фаол иштирокини қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган мустақиллик айёми билан чин қалбимдан табриклайман. Давлатингиз истиқлоли, юртингиз тинчлиги абадий, истиқболи янада порлоқ бўлсин!

**Нодира МАНЗУРОВА**
**суҳбатлашди**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Хабар қилинганидек, 2011 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисини шу йил 26–27 августда Тошкент шаҳрида чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, мамлакатимизни демократик янгилаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Бундай қонунлар жумласига тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни ҳамда аҳоли саломатлиги муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари киради.

*(Давоми 3-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **«RADISSON»** меҳмонхонасида жорий йил 20-27 сентябрь кунлари шаҳримизда Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси томонидан муайтай бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионати олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтади.

✓ **15 АВГУСТДАН** бошлаб шаҳримиз туманларидаги марказий поликлиникаларда «Соғломлаштириш ҳафталиги» ташкил этилмоқди. Унда туғиш ёшдаги аёллар ва ўсмирлар етук мутахассислар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади.

✓ **БУГУН** «Самара» ресторанида Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида таниқли кино актёрлар иштирокида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Республика ҳарбий прокуратураси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги – барқарор тараққиёт кафолати» мавзуида илмий-амалий семинар ташкил этилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталари ҳамкорлигида асаларичилик соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштиришга бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

**● Ўзбекистон ва Туркманистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Республика Байналмилал маданият марказида байрам тадбири ўтказилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда одам савдосига қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти ҳудудий идоралараро комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари хусусида сўз борди.**

**● Тошкентда «Ўзбекистон: 20 йиллик мустақил тараққиёт натижалари ва ривожланиш истиқболлари» мавзуида республика илмий конференцияси бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу конференцияда олимлар, маънавият тарғиботчилари, таълим тизими раҳбарлари иштирок этди.**

**● Ховос туманидаги «Ховоспилла» масъулияти чекланган жамияти қошида пиллани қайта ишлаш цехи ишга туширилди.«Сабина Шаҳноз орзуси» пиллани қайта ишлаш цехига Россиядан йилига 50 тонна пиллани қайта ишлайдиган ихчам агрегат олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда 15 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.**

**● Бойсун туманидаги Сайроб қишлоғида барча қулайликларга эга замонавий қишлоқ врачлик пункти фаолият бошлади.**

### ЖАҲОНДА

**● Республикачилар партиясидан АҚШ президентлигига номзод Тим Поленти 2012 йилда ўтказиладиган сайловларда қатнашишдан воз кечди ва ўз номзодини олди. Поленти Айова штатида ўтказилган сайловолди сайловларида учинчи ўринни олганидан сўнг шундай қарорга келди.**

**● Куба пойтахти Гаванада мамлакатни 50 йил давомида бошқарган Фидел Кастро таваллудининг 85 йиллиги ўзига хос тарзда нишонланди.**

**● Кеча Буюк Британиянинг Бирменгем шаҳрида вандализмга қарши кўп минг кишилик намойиш бўлиб ўтди.**

**● Кеча Афғонистоннинг Парван музофотида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 22 киши ҳалок бўлди, 34 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

**● Хитойда талабалар ўртасида бутунжаҳон Универсиада ўйинлари бўлиб ўтмоқда.**

**● Покистонда тоғ йўлида ҳаракатланаётган автобуснинг Ҳуб шаҳри ҳудудида жарга қулаб тушиши натижасида 20 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди.**

**● Италиянинг жанубий қирғоқларига кўплаб африкалик қочқинлар кела бошлади. Хусусан, Ўрта ер денгизининг Сицилия кўрфазидаги Лампедуза оролига кеча 1,5 минг нафар муҳожир келиб тушди. Бундай аҳволни тартибга солишни сўраб Италия ҳукумати Европа Иттифоқига мурожаат этди.**

**● Кеча Грециянинг жанубий қисмида 4,9 балли зилзила содир бўлди. Зилзила маркази Афинадан 172 километр нарида бўлган Пелопоннес ярим оролига тўғри келади.**

**● Шимолий Американинг Индиана штатининг Индианаполис шаҳрида бўлиб ўтаётган ярмарка пайтида кучли шамол натижасида саҳна қулаб тушган. Ушбу бахтсиз ҳодиса беш кишининг ҳаётига зомин бўлди, 43 та одам эса турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!





## ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛЛАРИ

### (2009 йил)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда 2009 йил давлатимиз раҳбари томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланди. 26 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури қабул қилинди. Дастурни амалга ошириш учун жами 194 миллиард 900 миллион сўм, шунингдек, 142 миллион 420 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш назарда тутилди.

Жаҳонда иқтисодий инқироз кечаётган бир маҳалда мамлакатимизда қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига эришиш бўйича шунча иш режалаштирилгани – алоҳида эътиборга молик.

Йил бошидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида МДҲ мамлакатларида биринчи бўлиб «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этила бошлади. Ана шу эркин зона ёнида 2009 йил январидан «Кореан Эйр» компанияси томонидан бошқариладиган юк ташиш тизими йўлга қўйилди. Бу компания юк ташиш бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланади.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, яъни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топган кун. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаати эълон қилинди. Мурожаатда Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятга холисона баҳо берилиб, жумладан, «Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг сўнгги пайтда фаоллашгани, наркоагрессиянинг кўлами тобора кенгайиб бораётгани сабабли ҳамон вазият кескинлигича қолаётгани» айтилди. Давлат раҳбари, шунингдек, мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгиланиш бўйича биз танлаган стратегия – армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга қаратилган муҳим вазифаларни белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ҳам қабул қилинди.

## ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

16 январь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Биз буюк келажак яратишга киришганмиз. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз: «Спорт – соғлом авлод, соғлом келажак деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади», – деди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22 январь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

13 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» мавзуида маъруза қилди. Маърузада келтирилганидек, 2008 йили ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми — 21,3 фоизга ўсди.

2008 йили бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози 2009, 2010 йилларда ҳам давом этиши кутилаётган эди. Шуни инобатга олиб, Ислом Каримов, жумладан, шундай деди: «Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади».

Март ойининг бошида «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобини босмадан чиқарди. Май ойида бу китоб инглиз тилида ҳам чоп этилди.

Хабарингиз борки, 2009 йилга келиб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб борди. Мазкур китобда айнан ана шу инқироз билан боғлиқ масалалар атрофлича таҳлил этилади. Рисола икки қисмдан иборат.

Китобнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар» деган биринчи қисмида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, унинг қамрови ва оқибатлари, шу жараён билан боғлиқ ўта муҳим масалалар таҳлил этилади, муаммоларнинг ечимлари кўрсатиб берилади.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кам зарар кўраётган мамлакатлар сирасига киради. Аммо бунга ўз-ўзича эришилгани йўқ. Бунга мустақиллик йиллари олиб борилган изчил иқтисодий ислоҳотлар бош омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент Ислом Каримов мамнуният билан қайд этганидек, биз: «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик, ...«шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик». Бу жараёнларда давлат бош ислоҳотчи вазифасини бажарди: «...Зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади».

Айрим мамлакатларда ташқи қарз масаласида пухта ўйланмаган сиёсат юритилди. Шунинг учун бугунга келиб уларнинг иқтисодиётини заиф ҳолга солиб, ташқи омилларга қарам қилиб қўйди. Натижада улар хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ҳолга тушиб қолгани ҳеч кимга сир эмас.

Биз эса бошқа йўл тутдик: «Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда».

Шу таҳлил ва мулоҳазалари асосида Юртбошимиз бир қатъий фикрни илгари суради: «...Тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди». Чунки Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Китобнинг «Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли» деган иккинчи қисмида инқироз таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасидаги имкониятлар ҳақида батафсил сўз боради.

Биринчи галда шуни айтиш керакки, юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди. Давлат раҳбари ўз китобида инқирозни бартараф этишга қаратилган чоралар дастурининг муайян бўлимлари моҳиятини бирма-бир тушунтириб ўтади.

Энг муҳими, бу Дастур изчил ва оғишмай амалга оширилса, у: «Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, улар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади».

Март ойида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар ассоциацияси ҳамкорлигида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўмаги билан ташкил этилган «Болажонлар-ширинтойлар – 2009» фестивали (12 – 14.03), Германиянинг Бонн шаҳрида «Хоразм вилояти ва Оролбўйи ҳудудида тадқиқот ва илмий фаолият тажрибаси» мавзуида ахборот тадбири, Ўзбек миллий академик драма театрида атоқли адабиётшунос, публицист ва таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум профессор Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча (12.03), Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) кенгашининг навбатдаги ўн тўртинчи мажлиси (27.03) бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 мартда қабул қилинган алоҳида-алоҳида қарорлари билан «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки негизида «Агробанк» акциядорлик тижорат банки, «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида эса «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Ўрни келганида шуни ҳам айтиб ўтайликки, шу йили «The Banker» халқаро журнали томонидан ҳар йили ўтказиладиган танловда «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб топилди ва 2009 йилда «Йил банки» сертификатига сазовор бўлди.

Апрелда ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тадбирларнинг тантанали очилиши маросими бўлиб ўтди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ягонасан, муқаддас Ватан!» Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди (08.04), Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчиларининг учрашувида (28.04) иштирок этди ва нутқ сўзлади.

25 – 26 майда Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон пойтахти Тошкент – 2200 ёшда» мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари араб тилида нашр этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида (10.06), Мисрнинг Искандария шаҳри губернаторлиги Халқ кенгашида (август), Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларида (16 – 22.10) ҳам шу нашрнинг тақдимоти ўтказилди.

10 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди (20.08). Юбилей арафасида Тошкент шаҳри марказида «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи бунёд этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан бу муҳташам кошонани бунёд этишда фаол қатнашган ишчи ва хизматчилардан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан мукофотланди (27.08), Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи билан танишди (28.08). 1 сентябрда «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этиб, «Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар» мавзуида нутқ сўзлади. Тошкент шаҳрининг юбилейи хорижий давлатларда ҳам муносиб нишонланди, жумладан, Москвадаги Миллатлар уйида шу санага бағишланган кеча бўлиб ўтди (октябрь).

21 – 27 сентябрь кунлари Тошкентда теннис бўйича аёллар ўртасида ўн тўртинчи «Tashkent open – 2009» очиқ чемпионати бўлиб ўтди ва унда 20 дан зиёд мамлакат спортчилари иштирок этди.

ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди (ноябрь).

5 декабрь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президент Ислом Каримов томонидан 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди. Орадан тўрт кун ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди (09.12).

Ҳеч бир мамлакат ўз қобиғига ўралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Тараққиётда хорижий, хусусан, қўшни давлатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бўлади. Шу маънода Туркманистон – бизнинг ён қўшнимиз. Кейинги йилларда Ўзбекистон – Туркманистон муносабатлари тамоман янги босқичга кўтарилди. 2007 йили Ўзбекистон Президенти Туркманистонга, 2008 йили Туркманистон Президенти Ўзбекистонга ташриф буюрган эди.

2009 йил Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг янада мустаҳкамланишида алоҳида саҳифалар очди.

24 – 25 февраль кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди. 25 февралда икки давлат бошлиқлари имзолаган «Ўзбекистон – Туркманистон қўшма баёноти» қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 13 – 14 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

27 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайлов бўлиб ўтди.

2010 йил 10 январда қайта овоз бериш жараёни ўтказилди.

Ўзбек тили – жуда бой тил.

Масалан, тилимизда фуқаро онги деган тушунча авваладан бор. Уни шахс онги, киши онги, инсон онги, одам тушунчаси каби англамаларга яқин маънода тушунамиз. Лекин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги (05.12) «Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» деган маърузасида илк бор учратганимиз фуқаролик онги атамаси тилимиз ва сиёсий луғатимиз учун янгилик бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир давлат ўз мамлакати халқи манфаатларидан келиб чиқиб иш кўради. Амалга оширилаётган давлат сиёсати моҳиятини теран англаш ҳамиша фуқаролик онги даражасидан далолат беради.

Хўш, фуқаролик онги нима?

Ана шу тарихий маърузанинг ўзидаёқ бу саволга жавоб топамиз. Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлажак сайлов ҳақида сўз юритиб, жумладан, шундай деди: «...Бу сайловлар аҳолимизнинг сиёсий-ижтимоий савияси ва маданияти, фуқаролик онгини имтиҳондан ўтказади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди».

Фуқаронинг мамлакатда изчил суръатда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятига тушуниб етиши ҳам фуқаролик онги таркибий қисмига киради. Истиқлол йилларида бизда фуқаролик онги юксалиб бораётир. Бинобарин, Ислом Каримов ана шу маърузасида таъкидлаганидек: «...Бизнинг Ўзбекистонимиз, бизнинг жамиятимиз кечаги давлат, кечаги жамият эмас – таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Энг муҳими, бугун одамларимизнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанидан ғурур ва ифтихори, келажакка ишончи кундан-кунга тобора ошиб бораётганини кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас».

**Султонмурод ОЛИМ**

**(Давоми бор)**

## ТИНЧЛИК — ЭНГ БУЮК БОЙЛИК

**Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир маҳалла, қишлоқ, хонадон, ҳар бир юртдошимиз қалбида байрам шукуҳи ҳукмрон.**
**Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида адабий-бадиий кечалар, давра суҳбатлари, турли маданий-маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилмоқда, янги корхоналар, таълим, маданият, тиббиёт, спорт объектлари фойдаланишга топширилмоқда.**

Энг улуғ, энг азиз байрамимизни ана шундай қувонч ва ифтихор, шукроналик кайфияти билан кутиб олиш анъанага айланган. Зеро, тинчлик, осойишталик, барқарорлик, кишилар ўртасида меҳр-оқибат, кўнгилларда хотиржамлик бўлган жойдагина юракка байрамлар сиғади. Психологларнинг таъкидлашича, хотиржамлик инсоннинг энг муҳим руҳий эҳтиёжи бўлиб, шахс соғлиги, жамият барқарорлигини таъминлашда катта ўрин тутади. Инсонда осойишталик ва хотиржамлик ҳисси бўлсагина, кўзлаган мақсадлари йўлидаги саъй-ҳаракатлари самарали бўлади ва муваффақиятга эриша олади. Худди шундай тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон бўлган мамлакатдагина тараққиёт бўлади, бунёдкорлик ишлари ривож топади.

Халқимиз юрт тинчлигини улуғ неъмат, қут-барака, тараққиёт гарови, ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбининг муҳим кафолати деб билиши, ҳар доим дуога қўл очганда Яратгандан элу юртимизга тинчлик-омонлик, яхшилик ва тўкинлик сўраб, эзгу ният қилиши замирида ҳам ана шундай чуқур мазмун мужассам.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди. Шу ҳақда сўз юритганда, давлатимиз раҳбарининг инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири бу – тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам шу билан белгиланади, деган фикрларини яна бир бор эслаш жоиз.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асраш энг катта вазифаларимиздандир. Бинобарин, йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз йўлида элу юртимиз бошдан кечирган оғир синовларни ёддан чиқармаслигимиз, мустақиллигимизни, тинч-осойишта ҳаётимизни асраш учун ҳар биримиз доимо курашиб яшашимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ҳушёрлигимизни йўқотиб, турли таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солишга уринаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин.

Халқимизнинг бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади, деган нақлида катта ҳикмат бор. Узоққа бормайлик, ён қўшнимиз Афғонистондаги вазиятни кўз олдимизга келтирайлик. Ўттиз йилдан бери тинмаётган уруш жафокаш афғон халқи бошига не-не кулфатларни солмади дейсиз. Беқарорлик туфайли мамлакат иқтисодиёти издан чиқди, халқнинг тинка-мадори қуриб, юртдан қут-барака кетди.

Бугунги дунёда ўзининг қадр-қимматини, ғурур ва номусини англаб яшайдиган, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан келажагини қуришга ва ўз юртини ҳимоялашга қурби етадиган давлат ва халқни жаҳон аҳли тан олади ва ҳурмат қилади.

Дунё мафкуралар кураши майдонига айланган ҳозирги замонда инсон онгу тафаккурини забт этиш учун бўлаётган ҳаракатларга бепарво қараш мумкин эмас. Муқаддас Ватанимиз тинчлиги ва фаровонлигини, халқимиз ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш учун ҳаммамиз, ҳар биримиз доимо ҳушёр, огоҳ бўлмоғимиз, бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиб, уни кўз қорачиғидек асрашимиз даркор.

Тинчлик – фаровонликнинг муҳим омили. Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати самарасида саодатли, файзли кунларга мушарраф бўлмоқдамиз. Халқимиз буюк давлат барпо этиш йўлида улуғ бунёдкорлик ишлари билан банд. Миллатимиз табиатига хос меҳр-оқибат, аҳиллик, ўзаро ҳурмат сингари хислатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни ёш авлод онги ва қалбига сингдириш эртанги кунимиз янада чароғон бўлишининг, эзгу мақсадларимиз ижобатининг муҳим мезонидир. Шу боис элу юртимизнинг энг буюк бойлиги бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, уни доимо асраш ҳар биримизнинг фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**










# СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2011 йил биринчи ярим йиллиги давомида мўлжалланган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари жами хизматлар 115,5 фоизга ўсиши режалаштирилган бўлса, амалда 117,5 фоизга (364,0 миллиард сўм) бажарилган.

Шу билан бирга хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш 9 тага режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 18 тага бажарилган. Бандлик Дастури доирасида 3249 та янги иш жойлари ташкил этилган.

Туманда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада тумандаги 27 та мактаб, 32 та мактабгача таълим муассасалари,1 та мусиқа мактаби, 3 та спорт мактаби ва 1 та Баркамол авлод марказида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари авжида. 304-мактабда капитал реконструкция ишлари амалга оширилиб, янги спорт зали қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. 237-мактабда эса маҳаллий ҳокимият ва ҳомийлар томонидан жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Янги ўқув йилини ўқувчилар замонавий, шинам ўқув масканларида бошлайдилар. Ёш авлод ва аҳолининг саломатлиги тўққизта тиббиёт муассасаларида, ўз касбининг жонкуяри бўлган шифокорлар томонидан мустаҳкамланиб келинмоқда. Айни улуғ айём арафасида туман ҳудудидаги шаҳар тери-таносил диспансери биноси янгитдан қурилиб, замонавий қиёфа касб этди ва зарур тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.



Кундан кунга чирой очаётган 33 та маҳаллада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, дарахтларга шакл бериб, гул кўчатларини парваришлаш ишлари авжида. «Намунавий маҳалла» лойиҳасига киритилган «Оқибат» маҳалласида 10 та, «Хонобод» маҳалласида 7 та қўшимча болалар майдончалари қурилди, 10.000 квадрат метрлик ҳудуднинг асфальт қилиниши тугалланмоқда. Бундан ташқари Алоқа ва ахборотлаштириш вазирлиги кўмаги билан ҳар битта маҳаллада болалар майдончалари қурилди. Яқин келажакда «Янги Сергели», «Темирйўлчи», Бобур маҳаллаларида янги гузарлар қурилиши режалаштирилган.

Фикримизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак сергелиликлар Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини режаланган ишлар салмоғини юқори кўтариб ёруғ юз билан кутиб олишга қатъий бел боғлаганлар. «Тўйга муносиб тўёна» билан бориш энг эзгу ниятларимиздан бири. Мана шу ният ҳамиша ҳамроҳ бўлсин, сергелиликлар!

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Сергели тумани майдони 5,6 минг гектар бўлиб, 33 та маҳалла, 1138 та кўп қаватли уйларда 150,4 минг аҳоли истиқомат қилади.
- Айни пайтда туманда 2262 та корхона фаолият юритаётган бўлиб, шундан қарийб 1925 таси, яъни 85,1 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тегишлидир.
- 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тижорат банклари томонидан тадбиркорлар учун 52847,4 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиши режалаштирилган бўлиб, шу кунгача 171 та тадбиркорлик субъектларига 48103,0 миллион сўм кредит маблағлари берилди.
- Туманда 9 та тиббиёт муассасаларида аҳоли соғлиғини сақлаш йўлида иш олиб борилмоқда.
- Яқинда туманда бугунги кун талаби даражасида, замонавий, кўркам, шу билан бирга аҳолининг яхши кунларида хизмат қилиш борасида барча шарт-шароитлар яратилган «Элегант» ресторани қурилиб, иш бошлади. Унда бир вақтнинг ўзида 600 кишига хизмат кўрсатиш имконияти бўлиб, 40 нафар ишчи ўрни яратилган.
- 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида Бандлик дастури доирасида 3084 та янги иш жойлари яратилиши режалаштирилган бўлса, амалда 3249 та янги иш жойлари ташкил этилган.

# ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, МАҲАЛЛАМ

**Маҳалла — қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, анъана ва қадриятлар шаклланадиган маскан ҳисобланган. Дарҳақиқат тажрибадан маълумки, ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёш авлод онгида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, эл шаънини ардоқлаш каби фазилатларни шакллантиришда маҳалланинг ўрни беқиёс.**

Туманда жойлашган «Баҳор» маҳалласига кириб келган кишининг тозалик, саранжом-саришталик, турфа гуллар ифори ва дарахтларнинг соя-салқинидан дили яйрайди. «Қипчоқ», «Ёшлик», «Йўлдош», «Қурувчи» каби маҳаллалар билан чегарадош бўлган ушбу маҳаллада йигирмадан ортиқ миллатга мансуб 6010 нафар аҳоли бир оила фарзандларидек тинчлик-тотувликда умргузаронлик қилиб келмоқда. Ҳудудда битта мактабгача таълим муассасаси, битта мактаб, «Баҳор» оилавий шифохонаси жойлашган бўлиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

— Бугунги кунда маҳалладошлар билан ҳамкорликда Энг улуғ ва азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида кўчаларимиз, хиёбон, ариқ-зовурларни тартибга келтирган ҳолда, тозалик-ободонлаштириш ишларини олиб боряпмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Мўйдинов. — Азалдан маълумки, халқимиз байрам, шодиёна кунларни дилда эзгу ният, ёруғ юз билан, барча режалаган ишларини бажариб кутиб олганлар. Биз ҳам ушбу удумдан келиб чиққан ҳолда битта спорт майдони, 6 та болалар майдончалари, катта-кичик корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини тартибга келтиришга ҳисса қўшдик. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон фарзандлари бор оилалар ҳолидан хабар олиб, ёшларимизни жисмонан ва руҳан соғлом бўлиб вояга етказишга эътиборни қаратганмиз. Албатта бунда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Шаҳло Нормирзаева, котиба Моҳидил Кенжаева, хотин-қизлар комиссияси раиси Галия Баласанян, посбонлар сардори Абдурашид Аҳмедовларнинг ҳиссалари катта. Шу билан бирга маҳаллада тинчлик-тотувликнинг сақланиши, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда 217-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, майор Шавкат Мурмонов, капитан Фарҳод Худойбердиев ва капитан Абдужамил Фармоновларнинг аҳоли билан яқиндан олиб бораётган ҳамкорлиги муҳим ҳисса бўлмоқда. «Тўйга тўёна билан», деганларидек яқинда маҳалламизда «Насталжи» қаҳвахонаси қурилиб, ўз фаолиятини бошлади.

**Диққат, янгилик!**

# ЗАМОНАВИЙ СОВУТИШ МАЖМУАСИ

**Сергели туманини ёритиш мақсадида йўл олган гуруҳимиз туманда қад ростлаган «SERGELI-AGROFRESH» — замонавий совутиш омбори мажмуасининг очилиш маросимининг гувоҳи бўлди.**

Тадбиркор ва истеъмолчилар учун қулай шароитлар яратиш, уларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида бунёд этилган ушбу корхонанинг фаолият бошлаши учун очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк» томонидан қарийб 14,8 миллиард сўм миқдорида инвестиция маблағлари йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига Германия, Голландия, Дания ва Италия каби давлатлар етакчи компанияларининг замонавий совутиш ускуналари ўрнатилиб, ишга туширилди.

— Корхонамизда ҳар биттаси ўртача 400-500 тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган 14 та совутиш ва 3 та музлатиш камераси, 5 та оддий омборлар мавжуд, — дейди бош муҳандис Хуршид Раҳимов. — Совутиш ва музлатиш камералари ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берувчи IPN (Ирландия) технологияси бўйича тайёрланган, полиуретанли сендвич — панеллардан қурилган. Уларнинг ўзига хослиги иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятининг камлигидир. Панеллар озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш омборлари учун белгиланган санитария-гигиена меъёрлари талабларига ҳам тўлиқ жавоб беради. Камералар изоляцияни таъминлайдиган махсус эшиклар билан жиҳозланган.

Мажмуани айланар эканмиз, тадбиркор ва ишбилармонлар учун яна катта бир қулайлик, шарт-шароитлар яратилганининг гувоҳи бўлдик. Негаки омборлар мажмуи керакли техника, электр ва дизель автоюклагичлар, гидравлик аравалар, электрон автомобиль тарозиси (60 тонна) омбор тарозилари ва бошқа анжомлар билан таъминланган. Омбор биносининг автомобиль рамкаси (эстакада) бир вақтнинг ўзида 10 та юк машинаси орқали юклаш ва тушириш имконини беради.

Шунингдек, мажмуа ўз темир йўл тармоғига ҳам эга бўлиб, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча қулайлик яратади. Совутиш камералари у ёки бу маҳсулотлар учун илмий асосланган талабларда белгиланган керакли ҳаракат ва намликни таъминласа, музлатиш камераларида гўшт-сут ва бошқа маҳсулотларни узоқ вақт сақлаш мумкин. Бу ердаги оддий омборларда эса алоҳида ҳароратни талаб қилмайдиган барча маҳсулотларни сақлаш имконияти мавжуд. Ўйлаймизки, бутун республикамизга намунали хизмат қилишни кўзлаётган замонавий совутиш омборлари мажмуаси ходимлари тез кунларда кенг кўламли фаолиятни бошлаб юборадилар.

**Таълим**

# МАЪРИФАТ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

**Истиқлол йилларида эртамиз давомчилари бўлган ёшларнинг билимли, руҳан ва жисмонан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига давлатимиз раҳбари раҳнамолигида асосий эътибор қаратилди.**

Хусусан, узлуксиз таълимнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосидаги ягона таълим комплекси ёш авлодга таълим бериш жараёнининг барча бўғинларини қамраб олди. Ана шу дастуруламал ҳужжатларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминламоқда. Сергели туманида ҳам айни кунларда 7 та касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатиб, жорий йилда 3451 нафар ўқувчилар турли касб-ҳунарларни эгаллаб катта ҳаётга қадам қўйдилар. Эътиборлиси шундаки, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида корхона, ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилиб ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатилгани бугун ўз самарасини бермоқда. Бугунгача 3215 та шартнома бўйича 1773 нафар ёш ишга жойлаштирилиб, шундан 1692 нафарига меҳнат дафтарчалари очилган.

Туманда жойлашган Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ҳам ўқувчиларга бугунги кун талаби даражасида билим бериш билан бирга «Савдо агенти», «Молиячи, банк иши», «Компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш ва дастурий таъминоти бўйича техник», «Кенг ассортиментдаги кийимлар модельер конструктори» каби 8 та йўналиш бўйича кичик мутахассисларни тайёрлаб келмоқда. Коллежда 37 та фан, бадиий, касбий тўгараклар ва спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Шу билан бирга 9-синф битирувчилари ва ота-оналар билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида «Консультатив марказ» ташкил қилинган, доимий равишда «Очиқ эшиклар» куни, «Касблар фестивали» тадбирлари ўтказиб келинади. Битирувчи ўқувчи-ёшларни иш билан таъминлаш, касбий маҳорати ва билим савиясини оширишга қаратилган тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Тадбирларга иш берувчи йирик корхона, ташкилотлар, туман ҳокимлиги ва меҳнат бўлими вакилларининг таклиф этилиши ҳам эътиборга моликдир.

— 2010-2011 ўқув йилида билим даргоҳимизни 356 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 76 фоизи ишга жойлаштирилиб, қолган қисми олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттирмоқдалар, — дейди коллеж директори Мирниёз Бекназаров. — Мақсадимиз ёшларимизни илмли, ҳунарли, соғлом қилиб тарбиялаш билан бирга қатъий сўзига, фикрига эга иродали қилиб вояга етказишдир. Токи биз бошлаган хайрли ишлар Ватанига садоқатли, меҳр-оқибатли авлод қўлида давом этсин. Бу эзгу ният ҳар биримизнинг кўнглимиздан жой олишини тилайман.

**Саҳифа материалларини Шоира МУХАМЕДОВА тайёрлади**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Сенатнинг ялпи мажлисида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам кўриб чиқилади.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги, «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлиси кун тартибига ташқи сиёсий фаолиятни тартибга солишга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси билан Қатар Давлати ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги Битимни (Доҳа, 2010 йил 24 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Саккизинчи қўшимча баённомани (Женева, 2008 йил 12 август) ратификация қилиш тўғрисида»-ги, «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида Озарбойжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Битимни (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилди.

Шу билан бир қаторда Сенатнинг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Сенат Девонининг олтинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш борасидаги ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ 2011 йил май-июнь ойларида ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунлари кўриб чиқилди. Бутун мамлакат бўйича сайлов ташкилий-сиёсий жиҳатдан юқори савияда ўтганлиги, очиқ-ойдинлик, ошкоралик ва демократизм таъминланганлиги қайд этилди. Мамлакатнинг марказий ва маҳаллий нашрларида, телевидение ва радио орқали, электрон оммавий ахборот воситаларида сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг бориши мунтазам равишда ва ҳар томонлама ёритиб борилди. Олиб борилган ишлар натижасида мамлакатимизнинг ҳамма минтақаларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни танлашга муваффақ бўлинди, бу эса уларнинг сифат таркибини яхшилашга анча таъсир кўрсатди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тавсиялар тайёрлашга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштиришга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг, «Маҳалла» жамғармасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқаларнинг фаолиятини кучайтиришга қаратилган тегишли қарорни қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сенат Кенгашининг мажлисида сенаторлар, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий комиссияларнинг аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳларининг, «Маҳалла» жамғармасининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Давлат рўйхатига 21.01.2010 йил 21 январда №004341-03 сонли рақам билан рўйхатга олинган МЧЖ «Shobilol invest» корхонаси (ИНН 301453654) тугатилади.

Даъволар эълон чиққандан сўнг 2 ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чимкент кўчаси, 17-уй манзили ёки 777-77-35, 757-78-12 телефонлари орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Жар-ариқли хусусий фирмаси (ИНН 203609009) ўз номини «Жар-ариқли» масъулияти чекланган жамият қилиб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади. «Жар-ариқли» хусусий фирмасига нисбатан даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел: 751-14-25.

Танловлар

# МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

**Истиқлол шарофати билан маҳалла ўз нуфузини қайта тиклади. Бугун кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзини ўзи бошқариш органларининг, жумладан, маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда.**



Дарҳақиқат, маҳалла «Ватан ичра Ватан», тарбия ўчоғи, меҳр-оқибат, эзгулик остонаси. Инсон шу ерда яшайди, улғаяди, ўсиб-унади. Демакки шарқона яшаш тарзи, одоб, ахлоқ, урф-одатлар, миллий қадриятни шу ерда англаб етади, ўрганади. Осмонимиз узра мустақиллик байроғи ҳилпираган кундан бошлаб барча жабҳаларда бўлгани сингари маҳалла тизимининг ҳам янги истиқболига йўл очилди. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида шаклланиб, халқимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзига айланган бу тузилма мустақиллик туфайли том маънода қайта туғилди. Хусусан, Республикамиз Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан ҳудудида камида 500 оила яшайдиган барча маҳаллаларда, шунингдек таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарча, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Ҳозирги кунда республикамиз бўйича 8149 нафар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари муваффақият билан фаолият кўрсатиб келмоқда. Маслаҳатчилар маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатларни бартараф этиш, носоғлом муҳит юзага келган оилаларни аниқлаш ва ёрдам бериш, муаммоли, нотинч оилалар билан якка тартибда ишлаш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, миллий анъаналар, урф-одатларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришда фаоллик, фидойилик билан иш олиб бормоқдалар. Уларнинг иш фаолиятини ўрганиш ҳамда илғор тажрибасини кенг ёйиш, эришган ижобий натижаларини тарғиб этиш ва оммалаштириш мақсадида 2005 йилдан буён Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танлови анъанавий тарзда ўтказилиб келинади.

Куни кеча ушбу танловнинг якуний республика босқичи Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри иштирокида ўтказилди. Тадбирда сўз олган Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов, шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Истиқлол берган улкан имкониятлар, ўзгариш, янгиланишлар, жумладан, маҳаллага бўлган эътибор ҳақида тўхталиб, шунингдек, маҳаллада тинчлик-тотувликни таъминлаш, миллий қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этиш ва ривожлантиришда маслаҳатчиларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Қизиқарли савол-жавоблар, маслаҳатчиларнинг ўз иш фаолиятига оид кўргазмалари билан юқори фаолликда ўтган танловда биринчи ўрин Сирдарё вилояти Боёвут тумани, У.Юсупов маҳалласи маслаҳатчиси Жумагул Норқўзиевага насиб этди. Иккинчи ўринга Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри «Халқобод» маҳалласи маслаҳатчиси Гулчеҳра Носирова лойиқ деб топилди. Иккита учинчи ўрин Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри Улуғбек маҳалласи маслаҳатчиси Раъно Ҳайитметова ҳамда Тошкент шаҳри Олмазор тумани «Эски шаҳар» маҳалласи маслаҳатчиси Иноят Абдусоатоваларга насиб этди. Ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари, дипломлар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Мана саккиз йилдирки, пойтахт ёшларининг қизиқишлари ва саъй-ҳаракатларини оширишга сабабчи бўлаётган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси асосида маҳалла ёшлари, мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳлар, шаҳардан ташқари дам олиш масканларида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

«Камолот» лойиҳалари

# МУЗЕЙГА САЁҲАТ

Хусусан,«Мозийга қараб иш кўрмоқ хайрлидир» шиори остидаги «Музейга саёҳат» лойиҳаси куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳамда ҳаракатнинг Яккасарой туман бўлими Кенгашлари ҳамкорлигида амалга оширилди.

Бунда Яккасарой туманидаги 73-умумтаълим мактаби қошидаги «Кўзмунчоқ», 118-мактаб қошидаги «Ниҳол» ва 144-мактаб қошида очилган «Қалдирғоч» ҳамда 26-мактаб қошидаги «Бойчечак» номли оромгоҳларнинг жами 480 нафар тарбияланувчилари даставвал Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлишиб, у ердан ўрин олган қадим ўзбек тарихчилигига оид кўргазмаларни томоша қилдилар.

Оромгоҳ тарбияланувчиларининг кейинги манзиллари Ўзбекистон амалий санъат музейи бўлди. Бу ерда ҳам барча лойиҳа иштирокчиларини музей ходимлари илиқ кутиб олдилар ва ёшлар гуруҳларга бўлинган ҳолда бирма-бир музейдан ўрин олган ва айни кунда бой меросимизга айланган барча санъат асарлари билан танишдилар.

– Музейда қадимда аждодларимиз фойдаланган идиш-товоқлар, аёлларимиз кийган миллий либослар ва улардаги нақшларнинг бир-бирига уйғунлашгани менда катта таассурот қолдирди, — дейди 73-мактаб қошидаги «Кўзмунчоқ» оромгоҳи тарбияланувчиси Азизахон Расулова. – Саёҳат иштирокчилари билан бирга барча қаватларда жойлашган 7000 дан ортиқ ноёб экспонатларни, ов ва меҳнат қуроллари, заргарлик, мисгарлик, кулолчилик идишларини, зўр маҳорат билан нақшинкор қилиб ишланган сўзана, кашталар, сопол ва чинни идишларни катта қизиқиш билан томоша қилдик.

Ёзги таътил давомида ўз олдига барча йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш орқали уларни кўнгилли ҳамда фойдали ҳордиқ чиқаришларини таъминлашни мақсад қилган «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ходимлари бу каби тадбирлар ёшларнинг билимли бўлишини таъминлаш ва шу йўл билан давлатимизнинг порлоқ келажагини яратишга ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини алоҳида таъкидлашди.

**Рухсора ЭЛЬМУРАТОВА**

Солиқ

# ЛИЦЕНЗИЯ — ФАОЛИЯТ АСОСИ

**Бугунги кунда жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг қонунлар билан кафолатланган ҳамда ҳимояланганлиги барчамизга маълум. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида 2003 йил 11 ноябрдаги қарори билан белгилаб берилган мақсад ва вазифалар мазкур соҳа ходимлари, жумладан биз Давлат солиқ инспекцияси ходимлари зиммасига ҳам жиддий масъулият юклайди.**

Қарор бўйича қисқача тушунча берадиган бўлсак, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Комиссияларнинг ишчи органи функциясини Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармалари бажарадилар.

Ишчи орган лицензиялар бериш (уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш) тўғрисидаги аризани тегишли ҳужжатлар билан бирга қабул қилади, улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди, лицензия битимлари тузади, лицензиялар реестрини юритади, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради ва тиклайди.

Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун юридик шахсларга намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорнинг аризасига кўра умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига камида 5 йил муддатга берилади.

Сергели туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан уюштирилган тадбирлар давомида қарор талабларини бузган ҳолда ноқонуний равишда 9230.2 минг сўмлик, 4773 дона DVD ва CD дисклари савдоси амалга оширилаётганлиги аниқланди ва қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

**Камол МАҚСУДХЎЖАЕВ,**
**Сергели тумани ДСИ шўъба бошлиғи**

Спорт янгиликлари

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — БОШ СОВРИН СОҲИБАЛАРИ

**Фарғонада теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнир ҳамюртларимиз Нигина Абдураимова ва Альбина Хабибулинага муваффақият келтирди.**

Шуниси эътиборлики, Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирувчи мазкур турнирда ўндан зиёд мамлакатлардан келган иқтидорли ракетка усталари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Нигина Абдураимова ва Альбина Хабибулина жуфтлиги дастлаб россиялик Мая Гаверова ва словениялик Гадея Макерични, кейин эса чорак финалда ҳамюртлари Малика Орифжонова ва Гулчеҳра Муҳаммадсидиқовани, ярим финалда яна бир истеъдодли теннисчимиз Сабина Шарипова ҳамда россиялик Александра Артамонова жуфтлигини енгиб, бош соврин учун курашиш имконини қўлга киритди.

Ҳал қилувчи баҳсда америкалик Анна Немчинова ва туркманистонлик Анастасия Пренко жуфтлиги билан беллашган Нигина ҳамда Албина 6:4, 2:6, 10:8 ҳисобида ғалаба қозонди ва турнир ғолиби деган номга сазовор бўлди.

# АРТУР — ТУРНИР ҒОЛИБИ

**Украинада эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган икки карра Олимпиада ўйинлари чемпиони Артур Таймазов олтин медаль соҳиби бўлди.**

Еттита вазн тоифасида уюштирилган мусобақанинг энг қизиқарли баҳслари 120 килограммлик полвонлар ўртасида кечди.

Унда Артур Таймазов муваффақиятли иштирок этиб, бош соврин учун қозоғистонлик Марид Муталимов устидан зафар қучди ва шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Энг енгил вазн — 55 килограммли спортчиларга қарши кураш олиб борган ҳамюртимиз, икки карра жаҳон чемпиони Ришод Мансуров бу сафар иккинчи ўринни қўлга киритди ва кумуш медаль билан кифояланди.

Маълумки, сентябрь ойида Туркияда эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Лондон Олимпиадаси учун дастлабки йўлланмаларни тақдим этувчи мазкур жаҳон чемпионатида иштирок этадиган спортчиларимиз учун Украинадаги халқаро турнир ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

**Адолат учун курашиш — одамийликдир.**

**Дўст дўстининг орзусига тилакдош.**

**Дўстлик эскирган сари, навқиронлашади.**

**Ҳалолликнинг таъқиби йўқ.**

**Ёпишмаганга ёндошма, ёндошганга ёпишаверма!**

**Қўллар одамга тамадди беради, тамадди эса уларга қувват беради.**

**Бир-бирига таянганлар йиқилмайдилар.**

**Умумий қозоннинг ёқилғиси тежалади.**

**Оёқ ва қўлларнинг «касб»лари бошқа-бошқа бўлишига қарамай, улар бир-бирлари учун хизмат қиладилар.**

**Ҳар қандай одам ҳам одамларсиз буюк бўла олмайди.**

**Йўлдаги ҳамроҳ — оёқнинг қуввати.**

**Жамиятнинг ҳавоси — маърифатдир.**

**Ҳар муҳитнинг ўз фалсафаси бор.**

**Муҳит таъсири — инсон руҳининг озиғидир.**

**Одамнинг тақдири — муҳитга боғлиқ.**

**Кимдир муҳитни етаклайди, кимнидир муҳит етаклайди.**

**Пок ва адолатли муҳит — инсонга қанот.**

**Бола — уйидан кўра, муҳитда кўпроқ ўрганади.**

**Яхши муҳитнинг қиши ҳам ёздек.**

**Инсоннинг ёмони бўлмайди, ёмонларни эса муҳит яратади.**

**Атрофдаги дунё, ички дунёга мос бўлмаса, у — азиятдир.**

**Юракнинг оқлиги — юзнинг қизиллигидир.**

**Зафар — матонатга эргашиб юради.**

**Тинглаш — билиш омили.**

**Бировнинг кўзини бўяган — нафратнинг кўзини равшанлатади.**

**(Давоми бор)**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **15 август** куни ҳаво бироз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-21, кундузи — 38-40 даража иссиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича вақти-вақти билан ҳаво бироз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-18, кундузи — 26-31 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **15 августда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

1-Тошкент педагогика коллежи таълим муассасаси ошхонасини ижарага бериш юзасидан
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб икки ҳафта давомида қабул қилинади.
**Телефонлар: 276-02-56, 276-89-29**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229
Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2966 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул Д. Исроилов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.